

Маккага етиб борганда... | Фикҳ дарслари (361-дарс)



19:00 / 07 январь 780

Маккага етиб борганида Масжиддан бошлайди. Яъни ҳожи ёки умрачи Маккага етиб бориб, юкларини жойлаб, кўнгли хотиржам бўлганидан кейин ишни Масжидул Ҳаромга боришдан бошлайди. Масжидга Бобуссаломдан кириш мустаҳабдир. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Масжидга киришда аввал ўнг оёғини қўяди ва: «Бисмиллаҳи, валҳамдулиллааҳи, вассолату вассаламу ала Расулиллаҳи. Аллоҳумма иффир лии зунубии вафтаҳ лии абваба роҳматика», дейди.

فَاطِمَةُ، أَرْضَوْتُ هَذَا مَدَقَ نِيْحٍ وَبِأَدَبٍ عِيْشٍ لِّوَأَهْنَأْ: اِهْنَعُ لِّلْاِيْضَرَّةِ شِئَاعِ نَع
مِلْسُ مَوِيْرَاخُ بِلْاِهْ اَوْرِيْ تِيْبِلْاِبِ

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«У зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Маккага етиб келган чоғларида энг аввал қилган нарсалари таҳорат қилиб, Байтни тавоф қилиш бўлди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Байтуллоҳни кўриши билан такбир, таҳлил айтади ва дуо қилади.

Каъбатуллоҳга нигоҳи тушиши билан «Аллоҳу акбар!» деб такбир айтади ва «Лаа илааҳа иллаллоҳ», деб таҳлил айтади, сўнг қуйидаги ҳадисда келтирилган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларини ўқийди:

إِذْ نَاكَرَ مَلَسًا وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّيْ لَلْأَنْجِي رَجْنَا بِنَا عَدْنَسُمْ يَفِي عَفْشَلَا يَوْر
دِرْو، عَبَاهَمَ وَأَمِي طَعَّتْ وَأَفِي رَشَتْ تَبَيَّبَلَا أَدَهْ دِرْمُ لَلْأَلَا: لَأَقْوَوِي دَيَّ عَفَرَتْ تَبَيَّبَلَا يَأْر
«أَرْبَ وَأَمِي رَكَتْ وَأَمِي طَعَّتْ وَأَفِي رَشَتْ تَبَيَّبَلَا أَدَهْ دِرْمُ لَلْأَلَا: لَأَقْوَوِي دَيَّ عَفَرَتْ تَبَيَّبَلَا يَأْر».

Шофеъий «Муснад»ида ибн Журайждан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон Байтни кўрсалар, иккала қўлларини кўтарар ва қуйидаги дуони ўқир эдилар:

«Аллоҳумма зид ҳазал байта ташрийфан ва таъзийман ва такрийман ва маҳобатан ва биррон ва зид ман шаррофаҳу ва ъаззамаҳу мимман ҳажжаҳу ав эътамароҳу таъзийман ва ташрийфан ва такрийман ва маҳобатан ва биррон».

Яъни: **«Аллоҳим, ушбу Байтнинг шарафини, улуғлигини ва ҳайбатини зиёда қил. Ҳаж ва умра қилувчилардан уни шарафлаган ва улуғлаганнинг ҳам шарафини, улуғлигини, ҳурматини ва яхшилигини зиёда қил».**

Сўнгра:

«مَالَسَلَابِ اَنْبَرَانِّي حَفُّ مَالَسَلَابِ كُنْمُو، مَالَسَلَابِ تَنْأْمُ لَلْأَلَا».

«Аллоҳумма антассалам ва минкассалам фаҳаййина роббана биссалам», деган дуони ўқийди.

Маъноси: **«Аллоҳим, Сен Салом(тинчлик)сан ва салом Сендандир. Эй Роббимиз, бизнинг салом билан ҳаёт кечиршимизни насиб эт».**

Яна ҳар ким ўзи нимани хоҳласа, шуни сўраб дуо қилади. Чунки Байтуллоҳни кўрган чоғда қилинган дуо мақбулдир.

Шу билан бирга, Байтуллоҳни кўрганда қалбида унинг улуғлигини ҳис қилади. Шундай улуғ жойнинг зиёратига эриштирган Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтади. Уни тавоф қилишдек улуғ бахтга сазовор этганига шукр қилади.

Сўнгра Ҳажарул Асваднинг қаршисига тўғри туриб, худди намоздаги каби кўлини кўтариб такбир ва таҳлил айтади. Сўнгра иложини қилса, бировга озор бермаган ҳолда Ҳажарул Асвадни истилом қилади.

مَلَسَ وَهَيَّعَ لَهَا لَصْرَهُ لَلْأُوسَرِ لِقَاقٍ، أَمْ هُنَّ عُلَلُ يَضْرِبُ سَابِعَ نَبِيٍّ ع
يَنْبُ أَيَّاطُ خُوتِ دَوَسَفٍ، نَبِّ لَلْأَمْ أَضَايِبُ دَشَأُ وَهَوَّءُ نَجَّجِ لَلْأَمْ دَوَسُ أَلْأَرْجَحُ لَلْأَرْزَنْ
يَذْمُرْتِ لَلْأَوْرِ. «مَدَا»

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳажарул Асвад жаннатдан сутдан ҳам оқ бўлган ҳолида нозил бўлган. Уни Бану Одамнинг гуноҳлари қорайтирган», дедилар».

هُنَّ شَعَبِيٌّ لَلْأَوْ، رَجَحُ لَلْأَوْ، مَلَسَ وَهَيَّعَ لَهَا لَصْرَهُ لَلْأُوسَرِ لِقَاقٍ، أَمْ هُنَّ عُلَلُ يَضْرِبُ سَابِعَ نَبِيٍّ ع
نَمْ يَلَعُ دَهَشِيٍّ، وَبُقُطْنِيٍّ نَأْسَلِ، أَمْ هَبُ رُصْبِيٍّ نَأْنِيٍّ عُلَلُ، أَمْ أَيُّ قُلَلِ مَوِيٍّ هَلَلِ
يَذْمُرْتِ لَلْأَوْرِ. «رَجَحُ بُمَلَسَاتِ سَا»

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳажар ҳақида:

«Аллоҳга қасамки, албатта, Аллоҳ уни қиёмат куни икки кўрар кўзи бор, нутқ қилар тили бор ҳолда чиқаради. У ўзини ким ҳақ ила истилом қилган бўлса, ўшанга гувоҳлик беради», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

يَفِدُ هَلَلُ نِيْمِيٍّ رَجَحُ لَلْأَوْ، مَلَسَ وَهَيَّعَ لَهَا لَصْرَهُ لَلْأُوسَرِ لِقَاقٍ، أَمْ هُنَّ عُلَلُ يَضْرِبُ سَابِعَ نَبِيٍّ ع
رَكَاسَعُ نُبَاوِخِيٍّ رَاتِلِ، يَفُ بِيَطُحُ لَلْأَوْرِ. «وَدَابِعُ أَوْبُ حُفَاصِيٍّ، ضُرَّأَلِ»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳажар Аллоҳнинг ердаги қўли бўлиб, у ила бандалари билан қўл олишиб сўрашади», дедилар.

Хатиб «Тарих»да ва Ибн Асокир ривоят қилишган.

لَحَدَّكَ مَمْلُوكًا وَسَوَّيْلًا لِعَلَّ يَصِيَّبَنَّ لِمَدَقِ الْمَلِيقِ، هُنَّ عُلَلُ الْيَضْرِبُ رِبَاجَ نَعْوِ
هُوَ أَوْرَاقُ بَرَأَيْتَ مَوَاقِفَ لَمَرَفٍ، هُنَّ مَيِّمَاتُ رَجْحِ الْمَلِيقِ سَافٍ، يَجْسَمُ الْيَضْرِبُ
يَضْرِبُ

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккага келганларида масжидга кирдилар, Ҳажарни истилом қилдилар. Сўнгра ўзларининг ўнг томонларига қараб юриб кетдилар. Уч бор рамл қилдилар. Тўрт бор юриш қилдилар».

Термизий ривоят қилган.

رَجَحَ كُنَّ أَمْ لَعَايِيْنَ، لِقَافٍ، هَلْبَقْفٍ دَوَسَّ الْرَجْحِ لِيْلَاجِ هُنَّ، هُنَّ عُلَلُ الْيَضْرِبُ رَمْعُ نَعْوِ
أَمْ كَلْبَقِيٍّ مَلْسَوٍ هَلَّ يَصِيَّبَنَّ لِمَدَقِ الْمَلِيقِ، هُنَّ مَيِّمَاتُ رَجْحِ الْمَلِيقِ سَافٍ، يَجْسَمُ الْيَضْرِبُ
يَضْرِبُ

Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Ҳажарул Асваднинг олдига келиб, уни ўпди ва: «Албатта, мен сенинг зарар ҳам, фойда ҳам бермайдиган бир тош эканингни яхши биламан. Агар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам сени ўпганларини кўрмаганимда сени ўпмас эдим», деди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ҳажарул Асвадни ўпиш суннати муаккададир.

Агар қодир бўлмаса, қўлидаги бирор нарсани теккизиб туриб, ўша нарсани ўпади.

رَجَحَ يَفِ مَلْسَوٍ هَلَّ يَصِيَّبَنَّ لِمَدَقِ الْمَلِيقِ، هُنَّ مَيِّمَاتُ رَجْحِ الْمَلِيقِ سَافٍ، يَجْسَمُ الْيَضْرِبُ رَمْعُ نَعْوِ
يَضْرِبُ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Видолашув ҳажидида туянинг устида тавоф қилдилар. Ул зот меҳжан билан рукни истилом қилар эдилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Меҳжан – боши эгри кичик асо. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам товлари йўқлиги сабабли ўшанда туяга минган ҳолларида тавоф қилган эдилар. Шундай бўлса ҳам, қўлларидаги боши эгри кичик асони узатиб «Бисмиллаҳи, Аллоҳу Акбар!» деб истилом қилганлар.

Ҳозирда кўпчилик шунга амал қилиб, узоқдан туриб, қўлини узатиб «Бисмиллаҳи, Аллоҳу Акбар!» деб ишора қилади ва қўлини ўпади.

Агар шунга ҳам ожиз бўлса, унга тўғри қараб туради, такбир, таҳлил, Аллоҳга ҳамд ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтади.

Сўнг тавофи қудумни қилади.

Бу четдан келганлар учун суннатдир.

Ифрод ҳажини ният қилган ҳожи ушбу тавофни «қудум», деб ният қилади.

Қирон ва таматтуъни ният қилганлар эса «умра тавофи», деб ният қиладилар ва:

«Бисмиллаҳи валлоҳу акбар. Аллоҳумма ийманан бика ва тасдиқан би китабика ва вафаан би аҳдика ва иттибаан ли суннати Набиййика саййидина Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейди.

Маъноси: «Аллоҳнинг номи билан, Аллоҳ улуғдир. Аллоҳим, Сенга иймон келтириб, Сенинг Китобингни тасдиқлаб, Сенинг аҳдингга вафо қилиб ва Набийнинг саййидимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиб...»

Ҳожи Каъба эшигининг рўпарасидан, ўзининг ўнг тарафидан бошлаб тавофга киришади. Ҳатиймни орқасидан етти марта, аввалги учтасини рамл қилиб, идтибоъ қилган ҳолида тавоф қилади.

Ҳажарнинг олдидан ҳар сафар ўтганда аввал айтилган нарсаларни қилади.

Тавофни бошлашдан олдин ўнг елкани очиш суннат. Бунда ридо ўнг қўлтиқдан ўтказилади. Буни «идтибоъ» дейилади.

Тавофни Ҳажарул Асваднинг рўпарасидан бошлаш вожибдир, бошқа жойдан бошлаш мумкин эмас. Чап елка Байтуллоҳга қилиниб, қисқа,

шахдам қадамлар билан юриш бошланади. Бундай юришни «рамл» дейилади.

Дастлабки уч айланишда рамл қилинади.

Аёллар одатдагидек юрадилар.

Юришга қодир бўлганларга юриб тавоф қилиш ҳам вожибдир.

Аввал айтилганидек, Ҳатиймни (Каъбаи Муаззама ёнида пойдеворга ўхшатиб кўтариб қўйилган жойни) қўшиб айланиш вожиб. Ким орадан ўтиб, Ҳатиймни қўшмай айланса, тавоф ўрнига ўтмайди.

«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.